

60-70 ЙИЛЛАР КИНООПЕРАТОРЛИК САНЪАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ, ЎЗИГА ХОС АНЪАНАЛАРИНИ ЮЗАГА КЕЛИШИ

Иқбол Мамасодикович Мелиқўзиев

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти,

“Овоз режиссёrlиги ва операторлик маҳорати” кафедраси мудири,
санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), профессор

э-mail: iqbol.1981.nozxon@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Кузатилганлардан кўринадики, 60-70 йиллар ўзбек кинооператорлик соҳасининг санъат даражасига кўтарилиши ва ўз анъаналарини яратилишида катта аҳамият касб этди.

Операторнинг тафаккур даражаси техника воситаси такомилидан устун туради. Юксак ривожланган техника ҳамиша ижодий муваффақият гарови деб билиш операторлик соҳасини бирёзлама тушунишdir.

Калит сўзлар: оператор, санъат, тарих, ўбектив, фотокамера, ранг, ёруғлик, композитсия, симметрия, кино, кинооператорлик мактаби, ижодкор, бадиийлик, тасвирий ечим.

СТАНОВЛЕНИЕ КИНООПЕРАТОРСКОГО ИСКУССТВА В 60-70-Е ГОДЫ, ЗАЯВЛЕНИЕ СОБСТВЕННЫХ ТРАДИЦИЙ

Иқбол Мамасадыкович Меликузиеv

Заведующий кафедрой "Звукорежиссуры и операторского мастерства",

доктор философии искусствоведческих наук (PhD), профессора
Государственного института искусств и культуры Узбекистана

э-mail: iqbol.1981.nozxon@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Из наблюдений видно, что 60-е и 70-е годы имели большое значение в подъеме узбекской кинематографии на уровень искусства и создания собственных традиций.

Уровень мышления оператора превосходит совершенствование технических средств. Думать, что передовые технологии всегда являются гаранцией творческого успеха, — это одностороннее понимание области кинематографии.

Ключевые слова: оператор, искусство, история, объектив, фотоаппарат, цвет, свет, композиция, симметрия, кино, школа кинооператоров, креатив, искусство, графическое решение.

THE FORMATION OF THE ART OF CINEMATOGRAPHY IN THE 60-70S, THE EMERGENCE OF ITS SPECIFIC TRADITIONS

Iqbal Mamasodikovich Melikuziev

Uzbek State Institute of Arts and culture, "Voice directing and operatic skills" head of the department, doctor of philosophy in art Sciences (PhD), professor
e-mail: iqbol.1981.nozxon@gmail.com

ABSTRACT

It can be seen from the observations that the 60s and 70s were of great importance in the rise of the Uzbek cinematography industry to the level of art and the creation of its own traditions.

The level of thinking of the operator is greater than the improvement of the technical means. It is a one-sided understanding of the field of cinematography to think that advanced technology is always a guarantee of creative success.

Keywords: cinematography, art, history, Object, Camera, color, light, composition, SImmetry, cinema, School of cinematography, creativity, art, graphic solution.

КИРИШ

Ҳар қандай фильм суратга олинишида операторнинг тасвирланаётган муҳит ва воқеликка муносабати акс этадики, бунингдек ёндошув режиссёр гоясининг таъсирчанлик қувватини таъминлаш мезонидир. Қачонки, суратга олинаётган воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонларнинг қувонч ва изтироблари, уларнинг саргузаштларидаги жўшқинликдан аввало операторнинг ўзи завқшавққа тўлмас экан, бу туйғулар томошабинга етиб бормайди.

Э.Тиссе оператор тушунчасининг уч *даражаси* бор дея белгилайди, *биринчиси* - камера ёнидаги одам бўлиб, унинг роли пассив ва техник хизмат кўрсатиш билан чегараланади.

Иккинчиси киноаппарат тутган одам. Операторнинг тутган роли ўзгаради ва у хизмат қўрсатишдан бошқариш даражасига кўтарилади. *Учинчиси* энг олий градатсия бўлиб, унда кинокамера олдида ижодкор пайдо бўлишидир. Ижодкор кинооператор кинокамера ва унинг хусусиятлари орқали режиссёрнинг образли нуқтаи назарини экранда ифодалайди, шу билан биргаликда унинг қарашларини ўзининг субъектив бадиий муносабати билан тўлдиради.

XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек кино санъатининг юксалиш йиллари бўлди. Мамлакатимиз операторлик санъати ривожи техник-технологик омиллар билан боғлиқлиқда тараққий топди, янги номлар ва ижодкорлар ҳисобига кенгайиб борди. Суратга олиш камералари такомиллашди, кинохроника яратишга мослаштирилди, бу эса ўз навбатида янги изланишларни бадиий кинога ҳам олиб кириш амалиётини етилтириди. Оқ-қора плёнканинг сезиш даражаси кучайтирилди, рангли плёнка ишлаб чиқарила бошланди. Суратга олиш оптикаси кенг бурчакли (*широкоугольный*) объектив ҳисобига кенгайди. Маълумки, оптиканинг ҳар бир жабҳасидаги ўзгариш оператор ижодидаги янгиликлар билан боғланиб кетади. Бу даврга келиб, ҳаракатдаги съемкага мўлжалланган операторлик тележкаси, кранлар ҳам такомиллаштирилди. Ўзбек киносининг “Мафтунингман” (реж. Й. Аъзамов, опер. М. Краснянский), “Тошкент - нон шахри” (реж. Ш. Аббосов, опер. Ҳ. Файзиев), “Сен - етим эмассан!” (реж. Ш. Аббосов, опер. Ҳ. Файзиев), “Маҳаллада дув-дув гап” (реж. Ш. Аббосов, опер. Д. Фатхуллин) каби турли йўналишдаги етук киноасарларида техник ўзгаришларнинг таъсири, янгича тасвирий ечим ва воситалар топишга бўлган уринишлар сезилиб турди.

Иттифоқ киносида бу борада ўзига хос изланишлар амалга оширилиб, операторлик ишидаги ижодий янгилик 1957 йилда экранга чиққан “Турналар учмоқда” (Летят журавли) фильміда намоён бўлди. Оператор Сергей Урусевский мазкур фильмда барча техник имкониятларни ишлатиб, уларни фильм тасвирий ечими билан боғлайди. Бунда кинонинг ўтган йилларидағи ютуқлари, жумладан, 20-йилларнинг ракурслари, характерли ёритқичларга асосланган йирик планлари; 30-40-йилларнинг кадр ичи монтажлари (*внутрикадровый монтаж*), ним ёруғлеклар (*зональное освещение*) каби операторлик тажрибасининг юксак намуналаридан фойдаланади. Мазкур фильм операторлик санъатида муҳим ўрин тутган кескин ўзгаришни ифода этди.

Кино бадиий жараёнларидағи ўзгариш ва янгиланишлар мамлакатимиз операторлик санъати амалиётида ҳам ўз аксини топди. 60-йилларнинг “илиқлик” даврида кино техникасида янгиланишлар юз берди. Суратга олиш аппаратураси такомиллашди, съемкани алоҳида амалга ошириш ва овозни павилондан ташқарида ёзиб олиш фаолияти кириб келди. Магнитафонга ёзилган овоз, кичик камералар қўлланила бошланди. Оптика чизиги катталаша борди, узун фокусли (*длиннофокусные*) ҳамда ўзгарувчан фокус оралиғи объективлари (*трансфокаторлар*) пайдо бўлди. Кино кўрсатишни иккита формати – кенг экранли (*широкоэкранный*) ва кенг форматли (*широкоформатный*) турлари пайдо бўлди.

УСУЛЛАР

60-йиллар киноператорлик соҳасининг ўзига хос жиҳатларидан бири яна шунда эдик, фильмлар аксарият ҳолларда натурада, реал интерерларда суратга олинди.

Реал ҳаётни кўрсатиш учун яширин камералардан фойдаланиш, кадр ичи монтажини қўллаш каби усуllар 20-йилларда қўлланилган бўлиб, бу даврда эса қайтадан тикланиб, янгича кашф этилди ва давр тасвирий стилистикасини бойитди.

НАТИЖАЛАР ВА МУНОЗАРА

Агар 60-йилларда реал ҳаёт образини яратишида кадр ичи монтажи усули қўллай бошланган бўлса, 70-йилларга бориб, узун фокусли оптика ва трансфокатор ёрдамида тасвирга олиш объектини “кузатиш” усули кенг тарқалди. Реал натура, интерерлар, кўчада кетаётган одамлар орасидаги актёрларни маҳсус операторлик усуllар ёрдамида суратга олиш “хўжжатлилик стилистикаси” қўлланила бошлади. Кўпинча бунингдек фильмлар оқ-қора тасвирда суратга олинди. 60-йилларда фильмларни ёритиш муҳити ҳам ўзгариб, ним ёруғлик табиий ёруғлик билан алмашди, кўпроқ юмшоқ, тарқоқ ранглар қўлланила бошлади.

Бу даврда ўзбек киносининг К. Ёрматов, Й. Аъзамов, З. Собитов, Л. Файзиев, М. Краснянский, Т. Эфтиловский, А. Панн, В. Синиченко каби йирик арбоблари ўз фаолиятини давом эттириши билан бирга уларнинг сафи ёшлар ҳисобига кенгайди. Студияга ВГИК (Бутуниттифоқ давлат кинематография институти), Ленинград киноинженерлар институти, Москвадаги режиссёрлик ва сценаристлик Олий курслари, Тошкентдаги театр ва рассомлик санъати институти битирувчилари ишга келдилар. Улар орасида Д.Салимов, Э.Эшмуҳаммедов, А.Ҳамроев каби режиссёрлар, Д.Фатхуллин, Л. Травиский, Ҳ.Файзиев, А.Исмоилов каби операторлар, Э.Калантаров, Н.Рахимбоев, В.Добрин, С.Зиёмуҳаммедов, Б.Назаров сингари постановкачи рассомлар бор эди.

Бу ижодкорларнинг фикрлаш тарзи, материалга шахсий муносабати, фалсафий мушоҳадалари кинонинг бадиий савиясини ўстирди, поетик йўналишини тараққий эттирди. Бу даврнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ифодавийликнинг янги воситаларини топиш ва тасвирий маданиятни юқори поғонага кўтарилишида бўлди. Фильмларда натурага алоҳида эътибор қаратиш ўзига хос драматик унсур бўлиб кириб келди, портретлардаги ифодавийликни кучайтириш мақсадида йирик планларни қўллаш, кино қаҳрамонларининг психологик ҳолатини пейзаж орқали таъкидлаб кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу жиҳатлар Э.Эшмуҳаммедовнинг “Нафосат” (оператор Д.Фатхуллин, рассом М.Чошев), “Севишганлар”(оператор Г.Тутунов, рассом М.Чошев), А.Ҳамроевнинг “Оқ, оппоқ лайлаклар” (оператор Д.Фатхуллин, рассом Ш.Абдусаломов), Ш.Аббосовнинг “Сен - етим эмассан!” (оператор Х.Файзиев, рассом Э.Қалантаров), У.Назаровнинг “Сурайё” (оператор Д.Фатхуллин, рассом М.Чошев) каби қатор фильмларида кузатилди.

Шунингдек, Ўзбекистон кинооператорлик мактаби анъаналарининг пайдо бўлиши, шаклланиш ва ривожланиш йўллари Ҳ.Файзиев, А.Исмоилов, Д.Фатхуллин, Д.Салимов, Х.Хасанов, Р.Ибрагимовлар ижоди мисолида таҳлил этилган. Уларнинг услубий ўзига хосликлари, миллий кинооператорлик анъаналари шаклланишида қай тарзда ўрин тутганлиги очиб берилган. Бу борада айниқса 60-йиллар аҳамиятли бўлди. Кинодаги илиқлиқ даври, олий таълим олган маҳаллий операторларнинг соҳага кириб келиши ҳам шу пайтга тўғри келади.

“Оқ, оппоқ лайлаклар”, “Нафосат”, “Севишганлар” фильмларида режиссёрлар А.Ҳамраев, Э.Ишмуҳаммедовлар билан бир қаторда Дилшод.Фатхулин катта маҳорат кўрсатдилар.

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган тасвиirlар Дилшод.Фатхулиннинг “Оқ, оппоқ лайлаклар” фильмидан олинган. Кенг форматли (16:9) кадрда олинган бу фильмда Дилшод Фатхулиннинг тасвирий экранга аҳамият беринчи, биринчи пландаги объектларга асосий ургунинг қаратиши, кадрлардаги маҳобатли тасвирий ифодалилик диққатга молик. Оператор композитсиянинг тасвирий ёруғлик ва тонал контрастларига алоҳида урғу берган. Кадрлар динамикаси, уларнинг тасвиридаги уйғунлиги, композитсион аниқлик ва лўндалик, ўткир бурчакли ракурслар, ёруғлик ва соядан фойдаланиш маҳорати кўриниб турибди. Оператор кадрлари фильмда портретларни яратишда қўл келиб, образ руҳиятини очиб беришга хизмат қилган. Тасвирланаётган воқеалар муҳитининг образли талқинини юзага келтирган ва бунда ёрқин деталлар, ифодали воситалардан кенг фойдаланилган.

Шу тариқа иккинчи бобда миллий мактабнинг ўзига хослиги, бадиий анъаналарнинг шаклланиши, ижодий услубларнинг намоён бўлиши кинооператорлар маҳорати орқали кўриб ўтилган.

60-йилларда жамиятда юз берган сиёсий ўзгаришлар, ижтимоий ҳаётда қарор топган мўтадил иқлим, умуман янги тафаккур, дунёқарааш, ғояларга мойиллик кинонинг янги авлодини майдонга келтириди. “60-йиллар ўзбек киносида янги – романтик қаҳрамон образи кириб келди. У.Назаровнинг “Сурайё”, А.Ҳамроевнинг “Лайлак келди, ёз бўлди”, Э.Эшмуҳаммедовнинг “Нафосат”, “Севишганлар” фильмлари ўз моҳият эътибори ва талқин услубига кўра илиқлиқ кайфиятини олиб кирди.

Санжар ва Лена (“Нафосат”), Рустам ва Родин (“Севишигандар”), Сурайё ва Акром (“Сурайё”), Малика ва Қаюм (“Лайлак келди..”) образларининг бетакрорлиги шундаки, улар тимсолида алоҳида олинган шахснинг ички дунёси, рангин кайфияти, ўзига хос эҳтироси кашф этилди¹.

Икки ёш ижодкор Э.Эшмуҳаммедов, О.Агишевларнинг оператор Д.Фатхуллин билан ишлаган “Нафосат” (1967 й.) фильмни янгича метод, ўзига хос изланишлар юзага келаётганини кўрсатди. Замонавий ёшларнинг ўй-фикрлари, орзу-интилишларини акс эттирган мазкур фильм тасвирий ечимидағи поетик тасвир бадиий кино имкониятларини намоён этди. Унда сувдаги ёругликнинг аксини ўйнатиш ёки шуъладан уни таратиб турган қўқдаги ой тасвирига ўтиш реал ҳаётдан олинган бетакрор бадиий ифода бўлиши билан бир қаторда, поетик метафора сифатида ишлатилганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Фильм муаллифлари реалистик бадиий-ифода воситаларини қўллаш орқали тасвир поетикасини яратишга ҳаракат қилганликлари операторлик ижодий топилмалари доирасини кенгайтирди.

60-йилларда ўзбек киносида яратилган фильмларни кузатиш жараёнида уларнинг аксарияти учун умумий бўлган жиҳатлар кўзга ташланади, драматургик экран образини реалистик ифодалашга қаратилган изланишлар доирасида қуйидаги операторлик методлари тарақкий этганлиги маълум бўлди:

1. ҳаракатли съемка (*съемка с движением*);
2. қўлда олинган съемка (*съемка с рукой*);
3. кадр компановкаси (*компоновка кадра*);

¹ Каримова Н. Fўр ёшлиқ талқинлари. //Кино 1994.№2. 4-5 6.

4. натуралдаги съемка (*съемка на натуре*);
5. табиий интересерда олинган съемка;
6. субъектив камерада олинган съемка (*съемка субъективной камерой*);
7. яширин камерада олинган съемка (*съемка скрытой камерой*);
8. ракурсли съемкани қайтадан англаш (*переосмысление ракурсной съемки*);
9. панорама қилиш усулларини қайта кашф этиш (*переосмысление приема панорамирования*);
10. кенг бурчакли оптика қўллаш (*использование широкоугольной оптики*);
11. узун фокусли оптика қўллаш (*использование длиннофокусной оптики*);
12. ўзгарувчан фокус оралиғи оптикасини қўллаш (*использование оптики с переменным фокусным расстоянием*);
13. кичик камералар қўллаш.

70-йилларда рангли плёнканинг кириб келганлиги операторлик санъати равнақида янги даврни бошлаб берди. Имкониятларнинг бу тарзда кенгайиши ижодий тоялар, усул, услублар доираси кенгайди. Кенг экранли ва кенг форматли кино ривожлана борди. Плёнканинг умумий сезувчанлик даражаси ошди, рангли плёнка имкониятларни кенгайтирди, мобил ва айни пайтда шовқинсиз камералар кенг тарқала бошлади. Бунингдек камераларда фильм диалогларини bemalol қўлда тутиб, ёзиб олиш мумкин эди.

Бу даврда А.Исмоилов, Х.Файзиев, А.Панилар ишида ёритиш ускуналаридан фойдаланиш борасида ҳам янги тенденсиялар юзага келди. Таъкидлаш жоизки, 70-йиллар охиirlарига қадар ҳам анъанавий ним ёруғлик (зональный) тизимини қўллаш кўплаб фильмларда давом этди. Аммо унинг тасвирий ечимда сунъийликни юзага келтиришдек камчилиги сезилиб, бу муаммони ечишда икки йўналиш пайдо бўлди.

Биринчиси, ёритиш приборининг қаттиқ йўналтирилган ва ўз навбатида юмшоқ (*мягкое*), тарқалган нур узатувчи (*рассеянное освещение*) характеридан воз кечиш йўналиши эди. Ижодий изланишларнинг иккинчи йўналиши эса ёритиш приборларидан имкон қадар фойдаланмасдан, ёки бўлмаса табиий ёруғлик имитатсиясини берадиган ва томошибинга сезилмайдиган, ниҳоятда аниқ тушадиган нур қўллашдан иборат бўлди. Ёритиш жараёнидаги энг аҳамиятли новаторли усулларидан бири павилон декорацияларида эмас, балки табиий интерерга сочилган ёғдуни постановка қилишни (*постановка рассеянного света*) кўрсатиш мумкин. Бу усул илгарилари кино ишлаб чиқариш амалиётида қўлланилмаган бўлиб, унинг асосида ўтган давр кинематографининг “контраст-зонал эстетика”си (*контрастно-зональная эстетика*) дан ўзгача бўлган тамоман бошқа принцип ётади. Яна шуни таъкидлаш лозимки, ёритиш тизимини яратишда тасвир муҳитида актёрнинг имкон қадар кенг муҳитда жойлашувига эътибор қаратиш жоиз.

Кузатишлардан маълум бўладики, 70-йиллар кинооператорлик санъатида 60-йилларда кашф этилган тасвирий воситаларни ривожлантиришга ҳам эътибор қаратилди. Айниқса Ҳ.Файзиев, М.Пенсон, А.Исмоилов, Т.Қаюмов, А.Панилар ишида тасвирий воситаларнинг алоҳида усуллари кўзга ташланди. Булар “тасвирий санъат образига асосланган” (*живописный*), “услуб қўринишига асосланган” (*стилизованный*) каби турли тарзда намоён бўлди. Бу даврда кадр ичи монтажи (*внутрикадровый монтаж*), образни адабий ёки актёрлик маҳорати орқали эмас, балки асар мазмунини реалистик тарзда етказиб беришда аудио-визуал образ яратиш методи тараққий эта бошлади.

Операторлар ёритиш ускуналариға имкон қадар мурожаат этмасликка ва бунинг ўрнига табиий ёруғлиқдан фойдаланишга эътибор қаратдилар. Операторликнинг “тасвирий санъат образига асосланган” (живописный) методининг муҳимлиги суратга олишнинг “режим” вақти билан боғлиқлиги эди. “Режим” дейилганда эрта тонг ёки қуёшнинг ботиш вақти тушунилиб, бу пайтда соялар узайиб, ёруғлик ифодавийлик касб этади, энг муҳими бундай пайтда рангли кинематографда ранглар ҳароратидаги кескин ўзгаришларни кузатиш мумкин. Шу тариқа бу даврнинг ўзига хос хусусиятларидан бири тасвирга олишнинг пластик йўналиши юзага келганлиги бўлиб, кадр ичи монтажи имкониятларини “тасвирий санъат образига асосланган” усул билан бойитища намоён бўлди.

ХУЛОСА

Кинонинг бир асрлик тарихи давомида кўплаб мамлакатларнинг ўз кино оқимлари, кино мактаблари юзага келди ва йиллар давомида шаклланиб келди. Дунёнинг турли мамлакатлари ўз миллий хусусиятларидан, урф-одатларидан, менталитети ва дунёқарашларидан келиб чиқиб ўз ҳалқининг миллий кино санъатини, унга хос тасвирий ифода воситалари ва услубларини яратдилар.

60-йиллардан бошлаб ўзбек киносига бир қатор истеъоддли ёш ижодкорлар – режиссёрлар, сценаристлар, операторлар ва рассомлар кириб келдилар ва шу вақтдан бошлаб ўзбек миллий киноси ривожида сезиларли из қолдирган янги давр бошланди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, 60-70 йиллар ўзбек кинооператорлик санъати ривожида унинг сезиларли даражадаги ўсиши билан характерланувчи ўзига хос янгиланиш, уйғониш даври бўлди. Бу “олтин давр”га мансуб киноижодкорлар ўз фильмлари орқали ҳаётнинг асл ҳақиқати ва моҳиятини очиб беришга интилдилар.

АДАБИЁТЛАР:

1. Dr. Tadjibayeva O.K.; Melikuziev I.M.; Khusanov Sh.T., Issues of the using the Special Effects as means of Visual expression in the Cinema art. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 7, 2, 2020, 2204-2215.
2. Ikbol Melikuziev. (2020). Cinematographer's ability in the creation of graphic image in uzbek historical films. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(05), 1554-1567. Retrieved from <http://sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/10078>
3. Ikboljon, M., & Tirkashaliyevich, K. S. (2019). Creative researches of young cameramen on the creation of graphic image in modern uzbek feature films. International Journal of Engineering and Advanced Technology, 9(1), 5230-5236. doi:10.35940/ijeat. A2948.109119
4. Ikboljon Melikuziev. (2016). Duties of a Cinematographer in Creating a Film. Journal of Literature and Art Studies, 6(7). <https://doi.org/10.17265/2159-5836/2016.07.013>
5. Melikuziev, I. (2020). Cinematographer's ability in the creation of graphic image in Uzbek historical films. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(5), 1554–1567.
6. S Khusanov, B Bazarbayev, K Xidirova (2020) Lacking professional personnels as the major issue in the "karakalpakfilm" cinema studio - International Journal of Psychosocial Rehabilitation.
7. Хидирова, К. (2022). РАЗВИТИЕ ПОЭТИЧЕСКОГО СТИЛЯ В УЗБЕКСКИХ КИНЕМАТОГРАФИИ. *Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture*, 2(13), 20–23. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/ejsspc/article/view/6842>
8. Таджибаева О. К. Народные эпосы в театральном искусстве Центральной Азии //Филология и лингвистика в современном обществе. – 2014. – С. 17-20.
9. Tadjibaeva, O. K. . (2021). Epic Heritage - The Gold Treasure. *The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research*, 3(06), 131–140. <https://doi.org/10.37547/tajiir/Volume03Issue06-18>.
10. Mirsaidova, D. . (2022). ZAMONAVIY OVOZ ISHLAB CHIQARISHNING ASOSIY YO'NALISHLARI. *Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences*, 2(5), 33–36. извлечено от <https://www.in-academy.uz/index.php/EJLFAS/article/view/3063>.
11. Shokirova, G. (2022). PROBLEMS OF SKILLS OF YOUNG FILMMAKERS IN UZBEK CINEMATOGRAPHY. *Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture*, 2(13), 201-207.

12. Agzamov, Doniyor. "TEXNIKA VA SAN'AT UYG 'UNLIGIDA OVOZ REJISSORLIGINING AHAMIYATI." *Eurasian Journal of Academic Research* 3.1 (2023): 109-112.
13. Adilov, A. (2022). THE IMPORTANCE OF SHOOTING STYLES WHEN CREATING A FEATURE FILM. *Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture*, 2(13), 208-213.
14. Talabbaev, R. E. (2020). Problems And Errors Of Video Editing Beginners. *The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research*, 2(10), 80-83.
15. Talabbaev, R. E. (2020). THE IMPORTANCE OF SOUND RECORDING AND PROCESSING USING MODERN COMPUTER TECHNOLOGY IN CINEMA. In *WORLD SCIENCE: PROBLEMS AND INNOVATIONS* (pp. 194-196).
16. Ergashalievich, T. R. (2022). PLACE OF UZBEK ANIMATED FILMS IN THE WORLD OF ANIMATED FILMS. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(6), 1250-1252.
17. Ergashalievich, T. R. (2022). The importance of investigation the experience of world cinema industry specialists in the development of Uzbek cinematography. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 12(5), 1022-1025.
18. Meliqo'ziev, I. . (2023). TARIXIY FILMLARDA SYUJET RIVOJI VA KOMPOZISIYA. *Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture*, 3(2), 126–133. <https://in-academy.uz/index.php/ejsspc/article/view/10042>.
18. Копадзе , А. (2023). МЕТАМОРФОЗЫ ИСТОРИИ МИРОВОГО ДУБЛЯЖНОГО ИСКУССТВА. *Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture*, 3(2), 116–125. <https://in-academy.uz/index.php/ejsspc/article/view/10041>.
19. Khidirova, K. (2023). VISUAL AND EXPRESSIVE MEANS OF CINEMATOGRAPHY. *Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture*, 3(2), 134–141. <https://in-academy.uz/index.php/ejsspc/article/view/10052>.
20. HATAM FAYZIEV -A BRIGHT REPRESENTATIVE OF THE UZBEK CINEMATOGRAPHY SCHOOLIqbal Mamasodikovich MelikuzievUzbek State Institute of Arts and culture,"Voicedirecting and operatic skills" head of the department,doctor of philosophy in art Sciences (PhD), professor, e-mail: iqbol.1981.nozxon@gmail.com<https://doi.org/10.5281/zenodo.7509691>.
21. ShCh Amanmuradov /STUDYING THE SUBJECT "TECHNOLOGY AND PRACTICE OF SOUND DESIGN" AT THE STATE INSTITUTE OF ARTS AND CULTURE OF UZBEKISTAN //Art: Actual Problems of Theory and Practice, 2021.

22. ShCh Amanmuradov / PECULIARITIES OF THE SOUND-VIEW MONTAGE OF THE FILM "THE MAN LEAVES THE BIRDS// Oriental Art and Culture, 2022.

23. N Sadikova/ EXPLORING INNOVATIVE METHODS AND THE CHALLENGE OF MODULAR LEARNING IN SOUND DESIGN TEACHING// Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and, 2022.

24. O.R Rakhimjanov / The Role And Importance of Using the Experience of Foreign Modern Cinematographers in the Development of Uzbek Cinematography// Open Access Repository, 2022.